ГРЕЧИХА НАВЛАРИНИНГ БАРГЛАРИДАГИ СУВ МИҚДОРИНИ ЭКИШ МУДДАТИ ВА СУҒОРИШ ТАРТИБИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Зухра Джуракуловна Жўраева
Самарқанд давлат университети биология факультети ўсимликлар физиологияси ва микробиологияси кафедраси доценти, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Дилнора Дилшодовна Исмоилова
Самарқанд давлат университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Самарқанд вилояти шароитида гречиха навларининг баргларидаги сув миқдоримни экиш муддати ва суғориш тартибига боғликлиги ўрганилиб натижалари берилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалик, гречиха, қимматбаҳо ёрма, оқсиллар, углеводлар, аминокислоталар, экиш муддати, тупроқ, намлик, суғориш, вегетация, нав, ўсиш, ривожланиш, сувнинг миқдори, сув режими, чекланган дала нам сиғими, ҳосилдорлик;

DEPENDENCE OF THE AMOUNT OF WATER ON THE LEAVES OF BUCKWHEAT VARIETIES ON THE TERM OF SOWING AND IRRIGATION PROCEDURE

Zukhra Dilshodovna Zhurayeva
Samarkand State University, Faculty of Biology, Associate Professor of Plant Physiology and Microbiology, Candidate of Agricultural Sciences

Dilnora Dilshodovna Ismoilova
Master Student of Samarkand State University

ABSTRACT

This article examines the dependence of the amount of water on the leaves of buckwheat varieties in the Samarkand region on the timing of sowing and the order of irrigation.

Keywords: agriculture, buckwheat, valuable cereals, proteins, carbohydrates, amino acids, planting time, soil, moisture, irrigation, vegetation, variety, growth, development, amount of water, water regime, limited field moisture capacity, yield;

КИРИШ

Аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш учун барча қишлоқ хўжалик ходимлари ва олимлар олдига ўсимликшунослик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш вазифаси кўйилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар орасида донга бўлган эҳтиёж энг юқори бўлиб бу муаммони ҳал этиш катта аҳамиятга эга. Донли экинлар орасида қимматбаҳо ёрма берувчи гречиханинг таркибида енгил ўзлаштириладиган оқсиллар, ёғлар ва углеводлардан ташқари жуда кўп маъданли тузлар, органик кислоталар, витаминлар,микроэлементлар ва бошқалар мавжуд. Унинг таркибида органик кислотанинг бўлиши озуқа моддаларнинг организмда яхши ўзлаштирилиши ва ҳазм бўлиш жараёнини тезлаштиради.Гречихадан мўл ҳосил олишнинг энг ҳал қилувчи омилларидан бири экишнинг энг мақбул муддатларда ўтказишдир. Экишни энг мақбул муддатларини аниқлашда навнинг биологик хусусиятлари, минтақанинг тупроқ иқлим шароити, ҳарорат, тупроқдаги намлик ва бошқа омиллар ҳисобига олинади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Гречиха навларининг суғориш тартибини ишлаб чиқариш жараенида ўсимликларнинг намликка бўлган талабини бутун вегетация давомида таъминлаш кўзда тутилиши катта ахамиятга эга. Гречихани суғориш муддати доимий бўла олмайди. Гречиха эрта бахорда экилганда ёғингарчиликлар хисобига тупроқ намлиги нисбатан кўпроқ бўлади. Такрорий экин сифатида ёзда экилганида аксинча тупроқ намлиги камроқ бўлади. Уруғларни бир текис,қийғос ундириб олишда экиш олдидан суғориш катта ахамиятга эга.

Ўсимлик танасидаги сувнинг миқдори уларнинг ўсиши,ривожланиши органик моддаларнинг ҳосил бўлиши ва ҳосилдорлик даражасини белгилайди. Шунинг учун хам гречиха навларининг барглардаги сувнинг миқдорини аниқлаш,уларнинг сув режими кўрсаткичларини ўрганиш муҳим ахамиятга эга.

НАТИЖАЛАР

Бизнинг тажрибаларимиз аввало гречиха навлари баргидаги сув миқдорига экиш муддатлари ва суғориш тартибининг таъсирини аниқлашдан иборат бўлди. Бунинг учун гречиханинг сувга нисбаттан критик босқичлари гуллаш ва донларнинг шаклланиш муддатлари асос қилиб олинди.Олинган маълумотлар жадвалда келтирилган.

Гречиха навларининг баргларидаги сув миқдори,%

Навлар	Экиш муддати	Суғориш тартиби, ЧДНС %	Ғунчалаш	Гуллаш	Дастлабки донларнинг пишиши
Қозон	10-апрел	ЭОС-60	85,8	80,5	78,7
	10-апрел	ЭОС-70	89,3	86,1	83,4
	10-апрел	ЭОС-80	94,7	90,8	88,2
	20-июл	ЭОС-60	82,4	84,1	80,5
	20-июл	ЭОС-70	85,9	88,6	84,8
	20-июл	ЭОС-80	90,5	92,0	89,7
Майский	10-апрел	ЭОС-60	85,4	80,8	78,1
	10-апрел	ЭОС-70	87,7	85,9	84,2
	10-апрел	ЭОС-80	92,6	89,1	88,5
	20-июл	ЭОС-60	81,8	83,5	80,2
	20-июл	ЭОС-70	84,7	86,8	84,5
	20-июл	ЭОС-80	89,0	91,7	89,1

Жадвалда келтирилган маълумотлардан гречиха навлари баргларидаги сувнинг умумий миқдори экиш муддати ва суғориш тартиби асосида бўлган тупроқ намлигига, нав хусусиятларига боғлиқ эканлиги аниқланди. Ўрганилган гречиха навлари (Қозон ва Майский баргларидаги сувнинг миқдори уларнинг ғунчалаш фазасида тупроқ намлиги ЧДНС 70-80 бўлган ва апрелда экилган тавриантларда энг юқори даражага эга бўлиб, июлда экилган ўсимликлар баргларидаги сув миқдори нисбатан камроқ эканлиги кузатилди.

Апрелда экилган Қозон гречиха навларининг ғунчалаш фазасида барглардаги сувнинг миқдори июлда экилган ўсимликлар баргларидаги сувнинг миқдорига нисбатан 3,4-4,2 ;% га кўплиги аниқланди. Шундай фарқлар апрель ва июлда экилган Майский гречиха навлари ўсимликларида ҳам кузатилди.

МУҲОКАМА

Сув тақчил шароитда (тупроқ намлиги 60% ЧДНС) ўстирилган ўсимликларнингбаргларидаги сувнинг миқдори мўътадил шароитларга (тупроқ намлиги 70-80% ЧДНС) нисбатан сезиларли даражада пастлиги аниқланди.

Апрелда экилган, тупроқ намлиги 60% бўлган Қозон нави ўсимликлар баргларидаги сув миқдори ,тупроқ намлиги 70% бўлган шароитда ўсган ўсимликлар баргларидаги сув миқдорига нисбатан 3,5% кам ва тупроқ намлиги80% бўлган шароитда ўсган ўсимликлар баргларидаги сувгв

нисбатан8,9% камлиги кузатилди. Шу муддатда экилган ва 60% намликдаўстирилган Майский нави баргларидаги сувнинг миқдори ҳам 70% да ўстирилган ўсимликларга нисбатан 2,3% ва 80% да ўстирилган Ўсимликларга нисбатан 7,2 кам. Вариантлар орасидаги бундай фарқлар июлда экилган гречиха навлари ўртасида ҳам мавжуд.

Гречиханинг сувга нисбатан энг критик бўлган гуллаш фазасида ўсимликлар баргларидаги сувнинг миқдори ва вариантлар ўртасидаги фарқлар ғунчалаш фазасидан фарқ қилди. Экиш муддати апрел бўлган ўсимликларнинг гуллаш фазасида гречиха навларининг баргларидаги сувнинг умумий миқдори ғунчалаў фазасига нисбатан камроқ эканлиги кузатилди. Бундай камайиш Қозон нави ўсимликлари учун 3,2-5,3% ва Майский гречиха навлари учун 1,8-4,8% га тенг. Ёзда экилган (20-июлда) тўлиқ гуллаш фазаси августнинг иккинчи ярми ва сентябрнинг биринчи ярмига тўғри келадиган ўсимликлар баргларидаги сув миқдори ғунчалаш фазасига нисбатан кўпроқ,яъни Қозон нави ўсимликлари баргларидаги сув миқдори ҳам 1,5-2,7 % га ва Майский нави ўсимликлари баргларидаги сув миқдори ҳам 1,6-2,7 % га кўп эканлиги кузатилди.Ўсимликларнинг гуллаш фазасида вариантлар ўртасидаги ҳам катта фарқлар бор. Экиш муддати апрелда бўлган,60% тупроқ намлиги ўстирилган Қозон нави ўсимликларнинг баргларидаги умумий сув миқдори (80,5%), тупроқ намлиги ЧДНС 80% да ўстирилган ўсимликларнинг баргларидаги сув миқдорига (90,8%) нисбатан 10,3 кам эканлиги аниқланди. Бундай фарқ Майский навида 8,3% га тенг.Ёзда экилган (20 апрел)60% ЧДНС тупроқ намлиги ўстирилган Қозон нави ўсимликларининг баргларидаги умумий сувнинг миқдори (84,1%). Тупроқ намлиги 80% да ўстирилган ўсимликларнинг баргларидаги умумий сув миқдори (89,1%) нисбатан 5,0% га кам. Майский навида бу фарқ 8,2 % га тенг булди.

Дастлабки доннинг пишиш фазасида ўсимликлар баргларидаги сувнинг миқдори навларнинг ғунчалаш ва гуллаш фазаларига нисбатан камаяди.Аммо экиш муддатлари ва туроқ намлиги асосида, вариантлар ўртасидагим фарқлар бу фазада ҳам сақланиб қолади.

ХУЛОСА

Умум юқорида келтирилган маълумотлар кўрсатишича гречиха навларининг баргларидаги юқори даражада сув билан таъминланган бўлиб,80% ЧДНС тупроқ намлиги ўстирилган ўсимликларнинг баргларидаги сувнинг миқдори энг кўп (88,2-94,7% тупроқ намлиги 60% ЧДНС бўлган шароитда ўстирилган ўсимликлар баргларида энг каоз (78,1-85,8%) эканлиги аниқланди.

Умуман суғориш тартиби гречиха навларининг сув алмашинув хусусиятларига кучли таъсир этади. Тупроқ намлиги тақчил шарпоитда (60% ЧДНС) ўстирилган ўсимликларнинг баргларидаги умумий сув миқдори, тупроқ намлиги мўътадил шароитда (80% ЧДНС) сув тақчиллиги юқори ўстирилганга нисбатан кам бўлиб,сув тақчиллик юқори бўлиши аниқланди.

REFERENCES

1. Карагальцев Ю.В.,Пруцков Ф.М. Гречиха:РОССЕЛХОЗИЗДАТ,1986.
2. Краситов А.С. Гречиха.М.Селхозиздат,1963 254с.
3. Ходжаев Д.Х. “Ўсимликлар физиологияси” Тошкент 2008
4. Ярошенко К.И. Гречиха на пожевном посеве/ Вестник с.х.науки-1983.№11.